

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**76** **Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2423*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 45-сон, 510-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.,

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2012 йил 1 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб, иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2012 йил 21 августдаги 8, 48 ва 60-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2388, 2012 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2012 й., 37-сон, 432-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Фан ва технологияларни  
ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси раиси**

**Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 21 январь,  
1-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 21 январь,  
4-қ/қ-сон

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 21 январь,  
7-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технология-  
ларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия  
вазирлигининг 2013 йил 21 январдаги  
1, 4-қ/қ, 7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон  
қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига  
фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг  
илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи  
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар  
ходимларининг базавий лавозим маошлари  
МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	<b>Институт директори</b>	
	профессор	1230294
	фан доктори	1180311
	фан номзоди	1130601
2.	<b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b>	
	профессор	1130601
	фан доктори	1090432
	фан номзоди	1041648
3.	<b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири</b>	
	фан доктори ёки профессор	1090432
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1041648
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	1001750
4.	<b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директори-нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>	
	фан доктори ёки профессор	1041648

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	1001750
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	961629
	<b>Бош илмий ходим</b>	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1041648
5.	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	1001750
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	961629
	<b>Етакчи илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	1001750
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	961629
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	914170
	<b>Катта илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	914170
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	867253
	илмий даражага эга бўлмаган	821380
	<b>Кичик илмий ходим</b>	
	фан номзоди	867253
8.	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	821380
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	775888
9.	<b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>	684574